

## Ўзбекистоннинг хавфсизлик соҳасидаги халқаро рейтингларда тутган ўрни: Ички ишлар органлари ислохотларининг ўрни ва таъсири

*Криминология тадқиқот институти илмий  
ходим-тадқиқотчиси, катта лейтенант  
Бахтиярова Севара Рашиан қизи*

### **Аннотация**

Ўзбекистонда сўнгги йилларда жамоат хавфсизлиги ва қонун устуворлигини таъминлаш соҳасида туб ислохотлар амалга оширилди. Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан қабул қилинган “Янги Ўзбекистон” ва “Ўзбекистон – 2030” стратегиялари асосида ички ишлар органлари фаолияти тубдан янгиланди. Мақолада мазкур ислохотларнинг мамлакатнинг халқаро рейтинг ва индекслардаги (*Safety Perceptions Index, Rule of Law Index, Global Innovation Index* ва бошқалар) кўрсаткичларига таъсири таҳлил қилинган. Тадқиқот натижалари шундан далолат берадики, ички ишлар органларида амалга оширилган рақамлаштириш, очиқлик ва жамоатчилик назоратини кучайтириш чоралари Ўзбекистоннинг халқаро имижини сезиларли даражада яхшилади.

**Таянч сўзлар:** ички ишлар ислохотлари, жамоат хавфсизлиги, халқаро рейтинглар, қонун устуворлиги, хавфсизлик индекси, ислохот самарадорлиги.

### **Abstract**

*In recent years, Uzbekistan has carried out comprehensive reforms in the field of public safety and the rule of law. Within the framework of the “New Uzbekistan” and “Uzbekistan – 2030” strategies initiated by President Shavkat Mirziyoyev, the activities of internal affairs bodies have undergone substantial transformation. This article examines the impact of these reforms on the country’s performance in international rankings and indices, including the Safety Perceptions Index, the Rule of Law Index, and the Global Innovation Index. The findings of the study demonstrate that the implementation of digitalization, enhanced transparency, and strengthened public oversight within internal affairs bodies has significantly contributed to improving Uzbekistan’s international image.*

**Keywords:** reforms of internal affairs bodies, public safety, international rankings, rule of law, safety index, effectiveness of reforms.

### **Аннотация**

В последние годы в Узбекистане были реализованы глубокие реформы в сфере обеспечения общественной безопасности и верховенства закона. На основе стратегий «Новый Узбекистан» и «Узбекистан – 2030», принятых по инициативе Президента Шавката Мирзиёева, деятельность органов внутренних дел была коренным образом обновлена. В статье проанализировано влияние данных реформ на показатели страны в международных рейтингах и индексах (*Safety Perceptions Index, Rule of Law Index, Global Innovation Index* и других). Результаты исследования

*свидетельствуют о том, что меры по цифровизации, повышению открытости и усилению общественного контроля, реализованные в органах внутренних дел, значительно улучшили международный имидж Узбекистана.*

**Ключевые слова:** *реформы органов внутренних дел, общественная безопасность, международные рейтинги, верховенство закона, индекс безопасности, эффективность реформ.*

Сўнги йилларда Ўзбекистон Республикасида Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигидаги “Янги Ўзбекистон” стратегияси доирасида давлат бошқаруви ва ҳуқуқ-тартибот тизимида кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Ушбу стратегиянинг устувор вазифаларидан бири жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва қонун устуворлигини мустаҳкамлаш этиб белгиланган. 2016-2025 йилларда ички ишлар органлари фаолиятига доир 41 та қонун, 26 та Президент фармони ва 100 та қарор, 232 та Ҳукумат қарори ҳамда 265 та идоралараро ҳужжатлар қабул қилиниб, ички ишлар органларини тубдан ислоҳ этишга хизмат қилувчи мустаҳкам ҳуқуқий база шакллантирилди.

Халқаро тадқиқотлар натижалари мамлакат хавфсизлиги ва жамоат тартибини баҳолашда муҳим мезон бўлиб хизмат қилади. Иқтисодиёт ва Тинчлик институтининг “Safety Perceptions Index”, “Numbeo Crime Index”, Жаҳон банкининг “Women, Business and Law”, World Justice Project’нинг “Rule of Law Index” каби ҳисоботлари бу соҳадаги халқаро баҳоларни шакллантиради. Илмий манбаларда таъкидланишича, давлат хавфсизлик тизимидаги ислоҳотлар ва жамоатчилик назорати индикаторлари мамлакат халқаро имижига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади.

Миллий ислоҳотларнинг самарадорлигини халқаро мезонлар асосида баҳолаш мақсадида, Ўзбекистоннинг турли **халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнига** алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, 2024 йил 16 августдаги Олий Мажлис Сенатининг қарорига мувофиқ, айрим асосий халқаро индексларда мамлакат натижаларини ошириш вазифаси бевосита Ички ишлар вазирлигига юклатилди [1]. Бу индекс ва рейтинглар қонун устуворлиги, хавфсизлик, коррупцияга қарши кураш, инновацион ривожланиш каби соҳалардаги ҳолатни ҳолис баҳолайдиган муҳим мезонлар ҳисобланади. Шу сабабли, ИИВ фаолиятини такомиллаштириш орқали жамоат хавфсизлигини яхшилаш ва қонун устуворлигини таъминлаш мамлакатнинг халқаро индекслардаги ўрнини сезиларли равишда кўтаришга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон сўнги йилларда хавфсизлик бўйича халқаро кўрсаткичларда барқарор ижобий тенденция намоён этмоқда. **Нумбео маълумотлар базасининг 2025 йилги маълумотларига кўра**, Ўзбекистон **“Хавфсизлик индекси”** (Safety Index) да 73,4 балл, **“Жиноятчилик индекси”** (Crime Index) да 26,6 балл билан дунёдаги энг хавфсиз мамлакатлар орасида 25-ўринни эгаллади [2]. Бу кўрсаткич Марказий Осиёда энг юқори бўлиб, кўшни Қозоғистон 73-ўрин (45,6 балл), Қирғизистон 101-ўрин (52,0 балл)

натижа қайд этган. Numbeo рейтингда мамлакатимизнинг жиноятчилик даражаси “жуда паст” тоифасига киритилган.

Айтиш жойизки, мазкур натижалар ҳам Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан “Ўзбекистон – 2030” стратегияси доирасида мамлакатимизда “Жамоат хавфсизлиги концепцияси” қабул қилиниб, ислоҳолотларни айнан хавфсиз муҳитни яратишга қаратилганлигидир.

Мазкур концепция асосида бир қатор “инсон омили”ни истисно этувчи миллий механизмлар яратилди. Хусусан:

- 60 та вазирлик ва идораларга интеграциялашган маъмурий ҳуқуқбузарликлар ва йўл ҳаракати қоидабузарликлари бўйича баённомаларни электрон тарзда расмийлаштириш амалиёти йўлга қўйилди;

- аҳолини кибержиноятлардан огоҳ бўлиши бўйича виктимологик профилактикани ўтказиш ва банк пластик карталардан хавфсиз фойдаланишни манзилли тушунтириш амалиёти йўлга қўйилди;

- барча ҳудудларда жамоат хавфсизлигини таъминлаш ҳолатини халқ депутатлари кенгашларида муҳокама қилиш амалиёти йўлга қўйилиб, жамоат хавфсизлигини таъминлаш аҳолини яхшилаш бўйича ҳудудий дастурларни ишлаб чиқиш тартиби жорий этилди;

- ички ишлар органларининг патруль-пост хизмати нарядлари ва Миллий гвардиянинг бир-биридан мустақил патруль хизмати йўлга қўйилди;

- криминоген жихатидан нисбатан мураккаб ҳудудларда маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан туманлараро патруль-пост хизмати отрядларини ташкил этиш амалиёти йўлга қўйилди;

- жамоат жойларида совуқ қурол олиб юриш, ўқотар ов ва пневматик қуролларнинг айланмаси қоидаларига амал қилмаслик учун алоҳида жавобгарлик белгиланди;

- йўл-патруль хизматида замонавий патруль автомашиналари, “бодикамера”, алкотестер, ҳуқуқбузарликни қайд этувчи планшетлар ажратилди;

- Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматида Мультимедия маркази ва “Ситуацион марказ” ташкил этилиб, мавжуд ахборот тизимларига интеграция қилинди.

**Қотиллик кўрсаткичи** (*Homicide Rate*) – Жаҳон банки ва БМТ маълумотларига асосланганда, 2021 йилда Ўзбекистонда қасддан одам ўлдиришлар коэффиценти ҳар 100 минг аҳолига **атиғи 1,4 тани** ташкил этди [3]. Бу глобал ўртача кўрсаткичдан бир неча баробар камдир – масалан, 2022 йилда дунё бўйича ўртача қотиллик коэффиценти 5,6 га тенг бўлган. Ўзбекистон ушбу кўрсаткич бўйича дунёдаги энг паст қотиллик даражаларига эга мамлакатлардан бири ҳисобланади.

Ушбу юқори натижаларга эришишда ички ишлар органларининг ўрни ва амалга оширган чора-тадбирлари ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда. Хусусан, **жиноятчилик профилактикаси ва патруль-пост хизмати** янги босқичга олиб чиқилди. Бугун маҳаллаларда 10 мингга яқин профилактика инспекторлари фаолият юритиб, ҳар бир маҳалланинг жиноятчилик ҳолати “маҳалла паспорти” орқали доимий назоратга олинмоқда. Жамоат жойларида

тартибни сақлаш учун автопатруль нарядлари сони **3,5 баробарга** кўпайтирилиб, шахсий таркибнинг ярмидан кўпроғи патруль хизматида жалб этилди. Давлат раҳбари ташаббуси билан амалга оширилган **“Хавфсиз шаҳар” концепцияси** доирасида ички ишлар тизимида 14 та тезкор бошқарув маркази ва 130 та видеокузатув мониторинг маркази ташкил этилиб, уларга жами **20 мингдан ортиқ камералар интеграция** қилинди. Туристлик худудларда **“Хавфсиз туризм”** махсус полиция бўлинмалари ташкил этилди – Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё, Хоразм каби вилояти ва йирик туристик зоналарда сайёҳлар хавфсизлиги қатъий назоратга олинган.

Ички ишлар органларининг самарали фаолияти аҳолининг турмуш сифати, ижтимоий ҳимояси ҳамда гендер тенглик соҳаларига ҳам ижобий таъсир кўрсатди. Жумладан,

**“Ҳуқуқ устуворлиги” индекси (WJP Rule of Law Index)** бўйича Ўзбекистон 142 давлат ичида умумий ҳисобда 0,50 балл билан **81-ўринни** эгаллаган [4]. Хусусан, жамоат тартибининг таъминланиши мезони – **“Тартиб ва хавфсизлик”** кўрсаткичи бўйича давлатимиз 0,90 балл тўплаб, дунёда 19-ўринни эгаллаган. Бу эса жамоат хавфсизлиги даражасининг жуда юқори эканидан далолат бермоқда. Ҳуқуқ устуворлигини мустаҳкамлаш мақсадида ИИВ фаолияти сўнгги йилларда **“халқчил ички ишлар органлари”** концепциясига ўтказилиб, ички ишлар органлари учун рақамлар ортидан қувиш эмас, балки фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш устувор вазифа этиб белгиланди. Мухим ҳуқуқий ислохотлар қуйидагиларни ўз ичига олди, жумладан, 2017 йилдан бошлаб суд амалиётида қийноқ орқали олинган ҳар қандай кўрсатма ва далиллар ҳақиқий эмас деб топилиши ва ишда далил сифатида рад этилиши тартиби жорий этилди. Бу чора терговда қийноққа барҳам беришга қаратилган муҳим қадам бўлди.

Ички ишлар органларида сўров ва тергов ҳаракатларини тўлиқ видеокузатув остида олиб бориш талаби белгиланди. Замонавий стандартларга мос махсус сўров хоналари ташкил қилиниб, улар бир томонлама кўриш имкони (Гезелла ойнаси) ва видео конференц-алоқа тизими билан жиҳозланди.

Жазони ижро этиш тизимида инсонпарварлик тамойилларини жорий этиш мақсадида **“Жаслик”** қамоқхонаси ва бошқа яна 3 та колония тугатилди. Озодликдан маҳрум этиш жазосига муқобил равишда Пробация хизмати ташкил этилди ва озодликдан маҳрум қилиш жазо чорасидан бошқа жазоларни қўллаш амалиёти кенгайди. Натижада, жазони ўташ муассасаларида сақланаётган маҳкумлар сони сезиларли даражада қисқарди.

Йўл-патруль хизмати, автомототранспорт воситаларини рўйхатга олиш, паспорт-виза бериш каби соҳалар тўлиқ электрон тизимга ўтказилди. Интерактив давлат хизматларининг жорий этилиши орқали ортиқча бюрократик тўсиқлар олиб ташланди. Масалан, ҳайдовчилар учун жарималарни онлайн тўлаш, автоматлаштирилган радар ва камералар орқали қоидалар назорати йўлга қўйилди. Freedom House ҳисоботида кўра, видеокузатув камералари ва электрон жарима тизими туфайли ЙХХ инспекторлари орасида пора олиш ҳолатлари сезиларли камайгани қайд

этилган [5]. Яъни, йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимлари орасида кичик коррупцион ҳолатларни камайтиришда электрон назорат самара бермоқда.

Натижада, Ўзбекистон ички ишлар тизими “жазоловчи тузилма” имиджидан халқ манфаатига хизмат қилувчи ташкилот сифатида ўзгармоқда. **Давлат бошқаруви сифати** бўйича халқаро баҳоларда мамлакатимиз ички сиёсий барқарорлик ва жамоат хавфсизлиги жиҳатидан минтақада етакчи кўрсаткичларга эга. Хорижий экспертлар Ўзбекистонни “жуда паст зўравонлик хавфи” мавжуд давлатлар қаторига киритмоқда. Масалан, **Глобал терроризм индексида** (*Global Terrorism Index*) Ўзбекистон 163 давлат орасида 90-ўринни эгаллаб, террор таҳдиди даражаси паст мамлакат сифатида қайд этилган. Шунингдек, Глобал уюшган жиноятчилик индексининг 2023 йилги натижаларига кўра, Ўзбекистон 193 давлат орасида 100-ўринда бўлиб, уюшган жиноятчилик кўлами нисбатан кам давлатлар қаторига кирди [6].

2025 йил **Глобал инновация индекси** (*Global Innovation Index*) натижалари бўйича Ўзбекистоннинг кўрсаткичларида сезиларли ўсиш кузатилди [7]. Унга кўра, Ўзбекистон 139 мамлакат орасида 79-ўринни эгаллаб, давлатимиз тарихидаги энг юқори натижа – илк бор топ-80 талик кўрсаткичи қайд этилди. 2024 йилда 24,7 балл билан 83-ўрин, 2025 йилда 26,5 балл билан 79-ўринга кўтарилди (ўсиш +4 ўрин). Даромад гуруҳига кўра 2024 йилда 10-ўрин, Марказий ва Жанубий Осиё минтақасида 4-ўрин, 2025 йилда эса мутаносиб равишда 7-ўрин ва 3-ўринга кўтарилди. Бу Марказий ва Жанубий Осиё минтақасида Ҳиндистон (39-ўрин) ва Эрон (62-ўрин)дан кейинги 3-ўрин дегани бўлиб, қўшни Қозоғистон (81-ўрин), Россия (91-ўрин) ва Туркия (93-ўрин)да. Ушбу натижаларга ички ишлар органларида хужжатлаштириш ва давлат хизматларини **рақамлаштириш бўйича амалга оширилган ислохотлар** орқали эришилди. Масалан, ИИВ таркибидаги Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармаси томонидан ID-карта ва биометрик паспортлар тизими тўлиқ йўлга қўйилди, прописка ва виза расмийлаштириш жараёнлари электрон шаклга ўтказилди.

БМТнинг Йўл ҳаракати хавфсизлигига оид глобал ҳисоботига мувофиқ, Ўзбекистон йўлларда ҳалок бўлиш хавфи бўйича 178 та давлат орасида **60-ўринни** эгаллаб турибди. Мавжуд маълумотларга кўра, мамлакатда йўл-транспорт ҳодисалари оқибатидаги ўлим коэффициенти тахминан ҳар 100 минг аҳолига 11-12 тани ташкил этади, бу жаҳон ўртача кўрсаткичидан яхшироқдир. Расмий статистик маълумотларга мувофиқ, **2016 йилга нисбатан 2023 йилда ЙТХ сони 35% га, йўлларда ҳалок бўлганлар сони 40% га камайган.** Бундай сезиларли қисқаришга ЙПХ инспекторларини замонавий техника билан таъминлаш ва ҳаракатни автоматлаштирилган назорат қилиш ҳисобига эришилмоқда. Масалан, йўлларида **2,5 мингдан зиёд камера ва радарлар** ўрнатилиб, аҳоли яшаш ҳудудларида тезлик чеклови 60 км/соатга туширилгандан кейин камера ўрнатилган жойларда авариялар **30 фоизга камайгани** аниқланди. Йўл-патруль хизмати ходимлари 6100 дан ортиқ бодикамера, 6500 га яқин планшет ва 179 та замонавий радалар билан таъминланди. Халқаро тажрибага асосланган **“Vision Zero”** стратегияси қабул

килиниб, йўлларда ўлим ҳолатларини имкони борича нолга тушириш мақсад қилинган.

“Аёллар, бизнес ва қонун” индекси (*Women, Business and Law*) – Жаҳон банкининг мазкур тадқиқоти 2024 йил натижаларига кўра, Ўзбекистон 82,5 балл тўплаб, **190 давлат ичида 90-ўринни** [8] эгаллаган ва 2023 йил давомида дунёда гендер тенглик қонунчилиги бўйича энг катта ислохотчилар бешлигига кирган. Ушбу натижага 2023 йил апрелида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс ва Жиноят кодексига оилавий зўравонликни (жисмоний, психологик ёки иқтисодий зўравонлик) биринчи марта алоҳида жиноий жавобгарлик сифатида белгилаш ҳақидаги ўзгартишларнинг қабул қилингани муҳим асос бўлган. Янги қонунчиликка мувофиқ, турмуш ўртоқ ёки яқин қариндош томонидан содир этиладиган тазйиқ ва зўравонлик учун жазолар кучайтирилди. Шунингдек, ИИВ тизимида аёллар ва болаларни ҳар қандай зўравонликдан ҳимоя қилишга ихтисослашган бўлинмалар ташкил этилди. Профилактика инспекторлари томонидан маҳаллий даражада маиший зўравонлик ҳолатларига тезкор чора кўриш амалиёти йўлга қўйилди. Бу чоралар самараси ўлароқ, Жаҳон банки ҳисоботи Ўзбекистонни 2024 йилда хотин-қизлар ҳуқуқий имкониятларини кенгайтириш бўйича энг илғор ислохотчи давлатлар қаторида эътироф этган.

Кенг қамровли ислохотлар самараси ўлароқ, Ўзбекистон жамоат хавфсизлиги ва ички барқарорлик бўйича дунё етакчи давлатлари қаторидан жой олмоқда. Numbeo хавфсизлик индексининг биринчи чорагига кириши, терроризм таҳдиди бўйича энг паст хавfli мамлакатлар сафида экани – буларнинг барчаси олиб борилган ислохотлар самарасидир. Ички ишлар органлари мамлакат тинчлиги ва осойишталигини таъминлашда ҳал қилувчи роль ўйнайди. Жиноятчилик профилактикаси тизимининг такомиллаштирилгани, ички ишлар органларининг халққа яқинлашгани, ҳуқуқбузарликларга нисбатан муросасиз муносабат жиноятчилик даражасини сезиларли камайтирди. Аҳолининг ҳуқуқ-тартибот идораларига бўлган ишончи ошди.

Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаш учун жамоатчилик билан ҳамкорликни янада кучайтириш, ҳар бир фуқарода “ички ишлар органлари – менинг ҳимоячим” деган ишонч туйғусини ошириш муҳим вазифа бўлиб қолмоқда. Президент Шавкат Мирзиёев таъбири билан айтганда, “**жамоат хавфсизлиги концепцияси**” доирасида амалга оширилаётган барча ислохотлар фуқароларнинг эркин ва хавфсиз яшаши учун хизмат қилиши керак. Ички ишлар органлари зиммасига юклатилган бу масъулиятли вазифа Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини янада юксалтиришга замин яратади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 16.08.2024 йилдаги «Ўзбекистон учун устувор бўлган халқаро рейтинг ва индекслар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги СҚ-963-IV-сон қарори.
2. Numbeo Crime Index by Country 2025 Mid-Year. Электрон манбаа: [https://www.numbeo.com/crime/rankings\\_by\\_country.jsp?title=2025-mid](https://www.numbeo.com/crime/rankings_by_country.jsp?title=2025-mid)
3. Our World in Data. Homicide rate per 100,000 population. 2024. Электрон манбаа: <https://ourworldindata.org/grapher/homicide-rate-unodc>.
4. WJP Rule of Law Index 2025. Электрон манбаа: <https://worldjusticeproject.org/rule-of-law-index/global/2025/Uzbekistan/>
5. Freedom House. Freedom in the World 2024. Uzbekistan. <https://freedomhouse.org/country/uzbekistan/freedom-world/2024#:~:text=Corruption%20is%20pervasive,video%20surveillance%20and%20traffic%20cameras>
6. Global Organized Crime Index. 2023. <https://ocindex.net/country/uzbekistan#:~:text=Criminality%20score>
7. Global Innovation Index 2024. Uzbekistan ranking in the Global Innovation Index 2024. <https://www.wipo.int/edocs/gii-ranking/2024/uz.pdf>
8. Women, Business and the Law 2024. Электрон манбаа: <https://wbl.worldbank.org/en/wbl>